

ПАХТАКОР ҒАЛАБАМИЗ ЯҚИН!

ЎРТОҚЛАР!

СЎНГГИ ТОННАЛАР УЧУН КУРАШГА!
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРГАН МАШЪАЛ
ОҚЎРҒОНЛИК АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАРГА ОФАРИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 229 (2520).

22 ноябрь, жума, 1963 йил.

Баҳоси 2 тийин.



ЎЗБЕКИСТОН КП ФАРҒОНА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАРҒОНА ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ, БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Фарғона областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини, ишлаб чиқариш бошқармалари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта сотиш планининг муддатидан илгари бажарилиши билан табриклайди. Тайёрлаш пунктларига 462 минг тонна пахта топширилди. Бу — бутун 1962 йилда тайёрланган пахта миқдоридан 90 минг тонна ортиқдир. Пахтанинг 85 процентидан кўпроги биринчи сортларга қабул қилинди.

Ўзбекистон, Киров ва Поп ишлаб чиқариш бошқармаларининг пахтакорлари пахта етиштириш ва давлатга пахта сотишни кўпайтиришга катта ҳисса қўшдилар. Улар пландан ташқари 13 минг тоннадан ортиқ пахта сотдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, Фарғона область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари 18 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини бажарадилар ва пахта, дон, гўшт, сут ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП БУХОРО ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР БУХОРО ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ, БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Бухоро областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини, ишлаб чиқариш бошқармалари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — давлатга пахта сотиш планининг муддатидан илгари бажарилиши билан табриклайди. Тайёрлаш пунктларига 307 минг тонна пахта топширилди. Бу — бутун 1962 йилда тайёрланган пахтадан 83 минг тонна кўпдир. Пахтанинг 90 процентдан кўпроги биринчи сортларга қабул қилинди.

Ромотон, Вобкент ва Гнждувон ишлаб чиқариш бошқармаларининг пахтакорлари давлатга пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Шунингдек, областнинг колхоз ва совхозлари дон, тухум, жун, қорақўл тери, пилла, сабзаовот, узум ва полдиз экинлари маҳсулотини тайёрлаш лавларини ҳам бажардилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, Бухоро областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари 15 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам бажарадилар ва пахта, дон, гўшт, сут ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ОҚЎРҒОНЛИКЛАРИНИНГ ЯНГИ МЕХНАТ ЗАФАРИ

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 10 МИНГ ТОННА ПАХТА

Машъал Оққўрғон бошқармасининг азамат пахтакорлари кунга кеча яна бир улкан ғалабани қўлга киритдилар: улар ҳозиргача давлатга пландан ташқари 10 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Бошқарманинг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ҳамда 1-«Оққўрғон» совхозлари коллективлари, айниқса, яхши натижаларга эришдилар. 1-«Оққўрғон» совхозининг ишчилари ҳозирга қадар 8 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрладилар.

Планин биринчилар қаторида бажарган Димитров номи, «Ленинград», Ленин номи, Свердлов номи, Энгельс номи колхозлар эришган ютуқлар янада кўпроқдир.

Оққўрғонликлар эришган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлаб, далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммларигача териб олишни давом эттирмақдалар.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети ишлаб чиқариш бошқармалари ва совхозларда давлатга пахта сотишнинг боринчи юзасидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаси ҳамда область статистика бошқармасининг ноябрининг иккинчи ўн кунлиги учун тақдим этган материалларни кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини Калнин ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари Н. К. Қирғизбоев, бошқарма бошлиғи М. У. Убайдуллаева, комсомол комитетининг секретари О. Тухтаев) ўр-

тоқларда қолдиришга қарор қилди. Бу бошқарма шу йилнинг 21 ноябрга қадар йиллик пахта тайёрлаш планини 93,13 процент бажарган ва ўн кунликда юқсак кўрсаткичларга эришган.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитети пахта тайёрлашда Бўна ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари Т. Ражабов, бошқарма бошлиғи И. Юнусов, комсомол комитетининг секретари Б. Пайманов) ўртоқларнинг яхши ишлаганини қайд қилиб ўтдилар. Бу бошқарма шу йилнинг 21 ноябрга қадар йиллик пахта тайёрлаш планини 96,97 процент бажаришга муваффақ бўлган.



Юқоридаги суратда Қумовул пахта тайёрлаш пунктининг бунёдкори уртоқ Набиҳон Алиқонов. У фидокорона меҳнат қилиб кунинга ўз нормасини ортири билан адо этаяпти. Сиз кўриб турган пахтадаги суратда Янгийўлдаги Ленин номи колхозининг чевар теримчиси Рисолат Саидова. Уртоқ Саидова мавсумда ўн тоннадан ортири пахта терди. Ҳозир кунинга 200 килограммга етказиб йўрлан терилди.
А. Абалин ва А. Тураев фотолари.

ОЛТИН КИТОБ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Тошкент қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарган, кўшимча мажбуриятлар олган қўйидаги бригада бошлиқларига ташаккур эълон қилдилар. Уларнинг номлари область «Олтин китобига» ёзилди.

- Раҳмон ҲОЛИҚБЕРДИЕВ — Бўна бошқармасидаги «Бўна» совхозининг бригадари.
- Ҳатим МУРОДОВ — Бўна бошқармасидаги «Бўна» совхозининг бригадари.
- Шамсиддин НУРИКЕЕВ — Бўна бошқармасидаги «Бўна» совхозининг бригадари.
- Тоғжой АБДУЛИМОВ — Бўна бошқармасидаги «Бўна» совхозининг бригадари.
- Қушн СОҒИНДИҚОВ — Бўна бошқармасидаги «Бўна» совхозининг бригадари.
- Номоз ҲАЙИТМАТОВ — Бўна бошқармасидаги «Бўна» совхозининг бригадари.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

50 проценти машинада

Ўтган йили 1400 гектар ерга чигит экин эдик. Ленин, атрофимизда ўзлаштириб экин бўладиган майдонлар сероб эди. Бу йил биз экин майдонимизга қўшимча яна 400 гектар эрга очдик. Ҳаммаси бўлиб 1800 гектар ерга чигит эдик. Ҳамма майдондан унумли ҳосил кўтариш учун ёз буйи астойдил меҳнат қилдик. Айниқса қўриқ ерни ўзлаштирган азаматларимиз саҳий ердан меҳнатларини алмади. Шунинг учун ҳам биринчи йил экинлигига қарамай 400 гектарлик бўз ернинг ҳар гектаридан 18 центнердан ҳосил кўтардик. Аввалги экин юрган еримизнинг ҳар гектаридан 23 центнердан «оқ олтин» олдик. Жами 3540 тонна дурдона йилги олиб, йиллик пахта тайёрлаш планимизни муваффақиятли билан бажардик. Бу ҳосил ўтган йили етиштирилган ҳосилга нисбатан 600 тонна ортиқдир. Пахта теримда биз техниканига сўяндик. Ҳосилнинг 50 процентини «зангори неман»ларда териб машина терими

У. ЕРҚИНБОВ,
Бўна, Илчи номи колхоз раиси.
И. ТОШПҲАТОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

жардик. Бу ҳосил ўтган йилгига нисбатан гектар ҳисобига 9 центнердан кўпроқ. Касбдорига меҳр кўйган уста пахтакорларимиздан Назаркул Топилов, Сотибоди Юнусов, Мирза Жаматов сингари бригада бошлиқларимизнинг далада гектар бошига 35 центнергача етказиб ҳосил олдик.

Айниқса терим машиналаридан унумли фойдаланишга эътибор бердик. Натияжада машиналар ишига тушириш билан терим юришиб нетди. Бу соҳадаги теширишни ҳам юздан ортириб бажарганлигимиз ҳақида қувонч билан гапирайлик. Яна шундай муваффақиятини қўлга киритишда Қўшнов Хожиммуротов, Қозоқ Исмонлов, Райимжон Муминов, Қар-

швой Бердиқулов каби меҳир механик-ҳайдовчиларимизнинг кўмеги кўп бўлди. Уларнинг ҳар бири 90—120 тоннадан пахта териб беришди. Шу кунларда ҳам даламизда қўшимча терим машинаси мавлон уриб ишляпти. Биз планга қўшимча равишда яна 250 тонна пахта топширамиз, деган мажбурият олганмиз. Далада ҳосилни кўп. Тез нунда мажбуриятимизни ошириб бажарамиз. Кўзги шудгорлашн эса 20 денабргача тугаллаймиз.

А. АБДУМУМИНОВ,
Бўна, Свердлов номи колхоз раиси.
У. ЯУЛДОШЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Вазифа ана шу дурдоналаримизни бир граммнинг ҳам ерда қолдирмай барвақт йилги-териб оlishдан иборат эди. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солидик. Энг муҳими қудратли техникага таялдик. «Зангори кема»лар ердани билан пахтанингни кўп қисми териб олдик. Мавсумда 100—120 тоннадан ортириб пахта терган Пўлат Тошқўжаев, А. Саидхмедов сингари механик-ҳайдовчиларимиз колхозининг машина терими планини ортири билан бажаришда муносиб ҳисса қўшдилар. Чевар теримчилардан Қаларомат Тўронова, Норхоним Ба-

широва, Гудчехра Бахромова-лар мавсумда 10—11 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритдилар.

Ҳали даламизда ҳосил бор. Биз имкониятларимизни ҳисоблаб қишб она-Ватанга яна 200 тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан қўшимча мажбурият олдик. Бу аҳдимизнинг устидан қишқ учун далаларда қизғин кураш кетаяпти. Шу билан бирга келгуси йил ҳосили учун ҳам қўшни шудгорлаш ишини бошлаб юбордик.

Қарим ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғондаги «Ленинбод» колхозининг раиси.

на пахта сотиш мажбуриятини олишди.

Шу совхозининг 4.бўлим ишчилари ҳам маррага етишди. Улар 1380 ўрнига 1390 тонна «оқ олтин» етиштиришди. Бўлимнинг Зиёвуддин Толипов бошлиқ бригада аъзолари 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландан 23 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтардилар. Совхозда она-Ватанга «оқ олтин» топшириш қизғин давом этмоқда.

Қарим ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғондаги «Ленинбод» колхозининг раиси.

Вазифа ана шу дурдоналаримизни бир граммнинг ҳам ерда қолдирмай барвақт йилги-териб оlishдан иборат эди. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солидик. Энг муҳими қудратли техникага таялдик. «Зангори кема»лар ердани билан пахтанингни кўп қисми териб олдик. Мавсумда 100—120 тоннадан ортириб пахта терган Пўлат Тошқўжаев, А. Саидхмедов сингари механик-ҳайдовчиларимиз колхозининг машина терими планини ортири билан бажаришда муносиб ҳисса қўшдилар. Чевар теримчилардан Қаларомат Тўронова, Норхоним Ба-

широва, Гудчехра Бахромова-лар мавсумда 10—11 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритдилар.

Ҳали даламизда ҳосил бор. Биз имкониятларимизни ҳисоблаб қишб она-Ватанга яна 200 тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан қўшимча мажбурият олдик. Бу аҳдимизнинг устидан қишқ учун далаларда қизғин кураш кетаяпти. Шу билан бирга келгуси йил ҳосили учун ҳам қўшни шудгорлаш ишини бошлаб юбордик.

Қарим ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғондаги «Ленинбод» колхозининг раиси.

ҲОСИЛДОРЛИК 3 ЦЕНТНЕРГА ОШДИ

Бу йил колхозимизда ҳар қачонгидан мўл пахта ҳосили етиштирдик, 1300 гектар пахта майдонига эгамиз. Бугунги кунда ана шу ернинг ҳар гектаридан 21 центнердан «оқ олтин» етиштириб, йиллик пахта тайёрлаш планимизни 100,6 процент қилиб ба-

ЯНА 200 ТОННА ТОПШИРАМИЗ

Колхозимиз пахтакорлари яна она-Ватанга 3 минг 760 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Йиллик пахта тайёрлаш планини 106 процент қилиб бажарди. 1623-гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23,4 центнердан ҳосил кўтариди. Болохон Назонова, Таласбой Ғазоват ўртоқлар бошқарётган бригада аъзолари эса гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштирдилар. Меълумки, колхозимиз ер шаронти икки хил бўлганлиги

туфайли аввалги йиллари кўндалдаги ҳосилни ололмай ҳижолат тортардик. Бу йил аввал баҳордан оқиб, катқосилди ҳисобланган қир зонамига таърибкор дехқонлардан бир китиди. Улар ернинг иккиюзига қараб чигит экишди. Уна меҳр билан парварниш қилишди. Айниқса суғоришга катта эътибор берилди. Натияжа ёмон бўлмади. Бугунги кунда ўша зонамида ҳам кўндалдаги ҳосилни етиштириб олдик.

Маррага етидилар

ОҚЎРҒОН. (Телефон орқали олдик). Кунга кеча пешқадан Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Победа» колхозининг азамат пахтакорлари ҳам йиллик планларини шараф билан адо этганликлари ҳақида ғалаба рапорти беришди. Пландаги 375 тонна ўрнига 379 тонна пахта сотилди. Ҳосилнинг 170 проценти «зангори кема»ларда териб олди.

2-«Оққўрғон» совхозининг 2. бўлими ишчилари 1414 тонна ўрнига 1454 тонна «оқ олтин» тайёрлаб йиллик планини 102,8 процент қилиб адо эттишди. Бўлимнинг Эргаш Жумаев бошлиқ бригада аъзолари 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта етиштиришди. Бўлим ишчилари ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиш учун куралишмоқда. Улар қўшимча равишда яна 236 тон-

ОБЛАСТИМИЗДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ ВОРИШИ 21 НОЯБРГАЧА

Бошқармалар	Кунлик Усул	Мавсум Бошлан
Оққўрғон	0,58	117,38
Юқори Чирчиқ	0,68	104,73
Ўрта Чирчиқ	0,42	96,42
Бўна	0,98	96,98
Калнин	1,25	93,13
Янгийўл	0,41	92,78
Бекобод	0,49	86,46
Область бўйича	0,62	98,49

БИНОКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ РЕМОНТИНИ ИХТИСОСЛАШТИРАЙЛИК

Бутун мамлакатимиздаги каби республикамизда ҳам капитал қурилиш ишлари тобора кенгайиб бормоқда. Янги-янги шаҳарчалар, етти йилликнинг гигант санюат корхоналари, посёлналар, кўчалар, хашаматли уйқоғлар ва маданий-маиший муассасалар бинолари қулиб қад кўтармоқда. Қурилишнинг ташкил этишида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Қўл кучи билан бажариладиган операциялар тобора камийиб бораётти. Асосий ишлар машина-механизмлар эмиссияси юқли бўлмоқда. Ҳозирги вақтда соҳа-санюат экскаваторлар, бульдозер ва тракторлар, кўтарма ва минора кранлари, бетон қориткиричи ва бошқа агрегатлар ишлаб турибди. Улар бинокорларимиз меҳнатини борган сари енгиллаштирмоқда, иш унумини кўтармоқда.

Ленин қурилишида машина ва механизмлардан фойдаланишда катта камчиликлар ҳам бор. Бизда ана шу машиналарни ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиш яхши ташкил этилмаган. Ремонт ишлари тартиқ ҳолда олиб борилад. Бунинг устига унинг сифати ҳам кўнгалдагидек бўлмаётти. Бу эса ўз навбатида бинокорлик техникисидан фойдаланишни янада яхшилашга маълум даражада ҳақлик бераётти.

Социал республика қурилиш министри, ҳозирги «Узгасстрой» ва «Гавташкентстрой»лар йўл қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналарни капитал ремонт қилиш учун ўтган йилда 2 миллион 500 минг сўм, ўрта ремонт учун 1275 минг сўм ва жорий ремонт учун 520 минг сўм сарф қилди. Бу йилги ремонт ишлари ҳамми ўтган йилдагига қараганда анча кўп. Дастлабки ҳисоблар бўйича бу йил ўтган йилдагига нисбатан ремонт ишлари учун 15—17 процент кўп маблағ сарфланади.

Авало шуни айтиш керакки, кўпчилик бинокорлик техникиси трестлар механизация бошқармаларининг устaxonаларида ремонт қилинмоқда. Бу устaxonаларда ремонт ишларини тез ва сифатли олиб бориш учун етарли шартлар йўқ. Ремонт ишлари қатъий технология асосида эмас, балки ярим кустарь ҳолда бажарилади. Устaxonаларда янги асбоб-ускуналар ҳам, кўпчилигини эскилари ташкил этади. Уларда таёрланган турли хил деталларнинг сифати кўнгалдагидек бўлмайд.

Механизация бошқармаларининг устaxonаларида ремонт қилинган асбоб-ускуналар кўп ҳолларда тезда яна ишдан чиқмоқда

ва қайта ремонт қилиш лозим бўлади қоляпти. Улар ремонтлар орасидаги вақтинги 50—60 процент довоиматига эксплуатация қилинмоқда.

Тошкент областидаги 6-қурилиш трести механизация бошқармасининг устaxonасида чўмичи 0,5 кубометр бўлган экскаваторлар узок муддат ремонт қилинапти. Улар график бўйича 30 календарь кунини довоиматига капитал ремонтдан чиқарилиши керак. Аслини олганда бирорта экскаватор ана шу муддат ичиде ремонт қилинмайди. Бунинг сабаби шунданки, устaxonаларда ремонт ишлари пухта ташкил этилмаган. Запас қисмлар, ремонт вақтида зарур бўладиган асбоб-ускуналар етишмайди. Металл таъминоти ҳам жуда қийин ҳолатда. Шу сабабли экскаваторлар кам деганда 70—75 кун ичиде капитал ремонтдан чиқарилапти. Улар шундай аҳволда 3, 153, 159 ва «Таштрансстрой» трестларида ҳам қуриш мумкин.

Республика Госстройнинг «Узгасстрой», республика сув ҳўжалари ва автомобиль транспорти ҳамда тош йўллар министрликлари билан биргаликда қилган ҳисоб-китоблари шун қўрсатадики, фақатгина 1963 йилда чўмичи бир кубометрли 329 та экскаватор, 347 та скрепер, 567 бульдозер, 97 та минора крани, 137 автомобиль крани, 129 та автомобиль ва трактор юк ортқичлар капитал ремонт қилиниши лозим.

Кўриб турибсизки, жуда катта ҳажмда ремонт ишлари бажарилиши керак. Министрликларнинг ремонт базалари эса бунга тўла жавоб беролмайди, уларнинг ҳозирги шартотида шунча миқдордаги бинокорлик механизмларини ремонт қилиш тамомил мумкин эмас. Завод шартотида, яъни ремонт-механика заводларида кўпи билан чўмичи бир кубометрли 120 та экскаватор, 100 та скрепер, 320 та бульдозер, 15 та автомобиль кранлари ремонт қилиниши мумкин. Бунга ҳам ремонт-механика заводлари қувватидан тўла фойдаланиш туфайлигина эриша олинади.

Қолган кўпчилик бинокорлик техникисини ремонт ишлари кустарь

ҳолда бўлган мастерскояларда қайта тикланиш мумкин. Минора кранлари, автомобиль юк ортқичлар, автогрейдерлар ва бошқа шу каби майда механизмларни ремонт қилиш базаси республикада умуман йўқ. Устaxonалар шариоини қилганга капитал ремонтнинг тиннархи янги машина таъинларининг 50 проценти ва ундан орттириш завоид шартотида эса 30—35 проценти ташкил этади.

Ана шундай оғир аҳволдан қутилиш учун нималар қилиш керак? Қандай тадбирларни амалга ошириш лозим? Бунинг учун янги ремонт-механика заводлари қуриш шарт эмас. Аввало республикадаги ремонт-механика заводларида ишни қайта ташкил этиш лозим. Ҳамма гап ана шу корхоналар қувватидан ишнинг қузвини билиб фойдаланишга қолган.

«Гавташкентстройиндустрия» ва «Таштрансстрой» трестларида 1-ремонт-механика, Тошкент ремонт-экскаватор заводлари, Республика автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлигининг Янгйўлдаги Октябрь ремонт-механика заводи, республика сув ҳўжалари министрлигининг Марғилон ремонт-механика заводи йирик ремонт корхоналаридан ҳисобланади. Ленин улар маълум бир министрлик ва бошқармаларга бўйсунганликлари учун фақат ана шу министрлик ва бошқармаларнинг закалатларини бажармоқдалар, холос. Шунинг натижасида бундай заводлар тўла қувват билан ишламапти. Ачинарлики шунданки, бу корхоналарда бир йўла турли хил қурилиш механизмлари ремонт қилинади. Бу натижа қийинчиликлар туғдиримоқда. Ишлаб чиқарилиши ва ремонт ишлари ҳамини кенгайтиришга, таъинларини камайтиришга салбий таъсир қилмоқда.

Бунга хотима бериш учун ана шу корхоналарни маълум бир машиналари ремонт қилиш бўйича ихтисослаштириш лозим. Бундан фақат ютиш мумкин. Ишлаб чиқариш ихтисослашга меҳнатни яхши ташкил этиш, ремонт ишлари сифатини ошириш, харажатларини камайтириш, суръатларини тезлаштириш борасида янги имкониятлар вужудга келади.

Агар корхоналар ихтисослашса, ремонтнинг агрегат-узел методи жорий қилинса жаякуд ишлаб чиқариш майдонларида ҳозиргига қараганда икки баравар кўп ремонт ишларини бажариш мумкин.

Ремонтнинг агрегат-узел методи жорий қилишда гап кўп. Бу жуда кўп қулайликлар туғдиради. Бутун машинани заводга олиб келишга ҳожат қолмайди. Фақатгина унинг узел ва агрегатлари келтирилади ҳамда ремонт қилинади. Уларни механизмларга ўрнатилиши яна эса тургидан-турги қурилиш майдонларида ва устaxonаларда амалга оширилади.

Йўл-йўлакка яна бир масала туғдиради. Ҳўжати лозим тоқил. У ҳам бўлса ремонт-механика заводлари директорларнинг ишлаб чиқаришда тўтган ўрин ҳандидир. Директорлар ремонт ишларини эса хоҳишларини ташкил этади. Уларга қимматбахо бинокорлик техникисини қўлаб ва сифатли ремонт қилиш унчалик мўҳим эмас. Улар учун энг мўҳими яъни махсулот бўйича план эса тайёрланган металл конструкцияларнинг тоннаси ва бинокорлик тақчиллотларини закалати асосида ҳисобланади. Бунингча, бу натижа ҳўжати қилиш керак. Плани ремонт қилинган асбоб-ускуналар миқдорига қараб белгилаш лозим. Уни давлат планларини бажаришнинг энг асосий шарти қилиб қўйиш керак. Ана шундангина завод директорларнинг бинокорлик механизмлари ремонтини нисбатан масуулияти анча оширилади бўлади. Бу эса ремонт ишларини яхшилашга шубҳасиз ёрдам беради.

Бунинг фикримизча, республикада зарур ремонт базаси ташкил этилгунча, мажбур ремонт-механика заводларини бинокорлик механизмларининг маълум ихтисослаштириш лозим. Заводларга уларнинг қайси министрлик ёки бошқармага бўйсунганидан қатъий назар барча министрликлар ва бошқармаларнинг закалатларини бажаришлари мажбурий қилиб қўйилиши лозим. Ремонт учун закалат республика Госстрой ва Госплани томонидан қараб чиқилиши ва завод ишлаб чиқариш планига киритилиши керак.

Ихтисослаштиришни қуйидагича ташкил этиш, бунингча, яхши натижалар бериши мумкин. «Гавташкентстройиндустрия»нинг Тошкентдаги Т-механика-ремонт заводида минора ва ЛАЗ—690 ҳамда АК—5Г маркали автомобиль кранлари, С—60, С—100 маркали бульдозерлар, чўмичининг ҳўжми 1—1,25 кубометрли бўлган экскаваторларни ремонт қилиш ва уларга запас қисмлар ишлаб чиқаришни марказлаштириш керак.

Бу завод кранлар, бульдозерлар ва экскаваторлар ремонтини аллақачонлар ўзлаштирган. У кранларнинг стрелаларини ва минора кранларининг металл конструкцияларини йўлга қўйиш мумкин.

Республика Сув ҳўжалари

ҚИСКА САТРЛАРДА

▲ Пойтахтнинг Госпитал бозорига қурилиш материаллари билан савдо қилувчи янги магазин ишга туширилди. Бу 9-маҳаллада турли рангдаги буюкларни, тунуна ва бошқа қурилиш материалларини харид қилиш мумкин.

▲ Янгида ишга туширилган ремонт кабинети — Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнатнашларига қулайлик туғдириди.

▲ 100 ўғиллик касалхона биноси фойдаланишга топширилди. Бу — Бетобоз шаҳридаги 3-Далварзин соҳасида ишчи ва хизматчиларини беҳад манзуи қилди.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

▲ Тошкент маданий-оқарту техникуми студентлар учун икки хонали ишона дарсхона ва балет зали қуриб берди.

Э. МУСАЕВ.

▲ Янги қурилган дарсхона, радио ва телевизорни ремонт қилувчи устaxonа, саргарошхона 9-рта Чирчиқ бошқармасидаги Карл Маркс номи колхознинг 2-корпус участкиси меҳнатнашларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Т. НАБИЕВ.

▲ Пойтахтнинг Шота Руставели кўчасида янги қурилган 5 қаватли биного 60 оила кўчиб кирди.

Р. ҲАСАНОВ.

Фойдали Фан

Еш авлодини материалистик дунёқараш руҳида тарбиялашда совет мактаби ва идеология фронтининг жангавор отряди ҳисобланган ўқитувчиларнинг роли каттадир.

Кейинги йилларда мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва ҳали маорифи системасини янада ривожлантириш туғрисидаги қонуни, КПСС Марказий Комитетини ва СССР Министрлар Советининг ўрта мактабларда тарих фанини ўқитишдаги айрим ўзгаришлар туғрисидаги қарори асосида мактаб программалари қайтадан ишлаб чиқилди. Мактаб программаларида ўқувчиларни коммунистик тарбиянинг асосий масисини бўлган илмий-атеистик ва гоийий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга алоҳида эътибор берилади.

Тошкент областидаги кўпгина мактабларнинг педагогик коллективлари партиянинг Программаси ва КПСС Марказий Комитетининг аниқ Пленуми қарорларига асосланиб, ўқув-тарбия ишларини қайтадан кўриб чиқмоқдалар ва коммунистик жамият кишинини намуна етказиш соҳасида қувончли ютуқларга эришмоқдалар.

Жамиятнинг тарбиявий этиб бориши, илм ва фанининг юксалиши мактаб кўрсатди ҳам ўз аксини тоқмоқда. Бу ҳолин биз ўтган ўқув йилидан бошлаб мактабларда жамиятшунослик фанининг киритилишида ҳам қуришимиз мумкин. Мактаб курсига жамиятшунослик фанининг киритилиши шу фандан дарс берадиган ўқитувчилар олдида жуда катта, масуулиятли ваифларни қўйди.

Тошкент области мактабларидеги кўпгина илм ўқитувчилари бу предмети ўқитиш жараёнида ўқувчиларни гоийий-сиёсий ҳамда илмий-атеистик руҳда тарбиялашда дастлабки ютуқларга эришди. Янги предмети ўқитишда хилма-хил методлар ишлаб чиқилмоқда.

Оҳангарон шаҳридаги 5-мактабнинг ўқитувчиси И. Одиловнинг «Материализм ва идеализм» темасида ўтказган дарс диққатга сазовордир. Бу темани ўқитишда педагог фалсафадан икки йўлни — материализм ва идеализмни ҳар томонлама тушунириб берди. Шунингдек, ўқитувчи материализм

жамиятдаги илгор, прогрессив синфлар философияси эканлигини, жамиятдаги энг илгор ва прогрессив синф — бу ишчилар синфи эканлигини, капитализмга қарши курашда ва коммунистик жамият қуришда унга эркин илмий дунёқараш зарур эканлигини мисоллар асосида тушунириб берди. Ўқитувчи материализм туғрисида тушунча бериб бўлгач, фалсафа яна иккинчи оқим — идеалистик оқим, идеалистик дунёқараш борлигини, бу дунёқараш асосан эксплуататорлар дунёқарашини бўлиб, ўз маъмури ва мақсади билан материализмга қарама-қарши эканлигини айтди.

Оҳангарондаги 11-мактабнинг жамиятшунослик ўқитувчиси ўртоқ Иномов дарслари эса методик жиҳатдан ран-баранглиги ва маҳаллий фактларга бой бўлиши билан харақтерлидир.

Янги предмет жамиятшунослик фанини ўқитишда кўпгина ўқитувчиларимиз педагогик излаш усулларидан фойдаланиб, бу фанининг ўқитиш методиксини яратишда иккундий иш олиб бормоқдалар.

Ленин жамиятшунослик фанини ўқитишда ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд. Айрим ўқитувчиларнинг ўз устларида мустақил иш олиб бормоётганликлари, дарсга тайёргарлик қилишда қўшимча ва маҳаллий адабиётлардан фойдаланмаётганликлари ҳамда зарур методика билан қуролланмаганликлари сабабли уларнинг дарслари гоийий-сиёсий жиҳатдан юксак даражада ўтмайпти.

Ўқувчиларда марксча-ленинча дунёқарашни такомиллаштириш гоийий-сиёсий ишнинг асоси бўлмоғи керак. Бу масалани қайси йўллар билан ҳал қилиш мумкин? Бунинг учун, аввало, жамиятшунослик фани ўқитувчисидаги ўқув материалларини баён қилиш вақтида унга диалектик материализм нуқтан назаридан ёндашиш талаб қилинади. Предмети яхши билмоқ учун унинг алоқа ва манбаларини мукамал ўрганиш керак. Н. К. Крупская «Айрим предмети ўрганишга диалектик жиҳатдан ёндашиш» деган мақо-

ласида кўрсатганидек, ҳар қандай предмет ўқитувчиси дарс беришда яхши натижаларга эришиш учун, аввало, шу предметнинг ўзини ҳар томонлама пухта ўрганиши керак.

Жамиятшунослик фани ўқитувчиси ўқувчиларга кишилик жамиятнинг ҳамма формацияларида ўзига хос бўлган диалектик қарама-қаршиликни баён қилмоғи, бу қарама-қаршилик эса жамият таррақийтининг асосий қонуни эканлигини кўрсатиб бермоғи лозим.

Маълумки, иккундий тарақийетнинг бу қонунига бир қатор иккундий формацияларнинг ўзгаришга олиб келди. Диалектик материализм-методи билан қуролланган жамиятшунослик фани ўқитувчиси ўқувчиларга Ватанимизнинг социал-иқтисодий ҳаёти турлича бўлган даврларда қандай таррақий этганини конкрет фактлар асосида кўрсатиб бермоғи керак. Шунингдек, жамиятшунослик дарсида она-Ватанамиз социал-иқтисодий таррақийетининг харақтери туғрисида гапирлар экан, унинг жаҳон таррақийетининг умумий процесси билан алоқасини тушунириши даркор. Ўқитувчи бутун курс давомида ўқувчиларни кишилик жамияти тарихи синфий курашлар тарихидан иборат эканлигини айтиб, синфий курашларнинг ўзиде бориши қонуни равишда пролетариат диктатурасининг ўрнатилишига ҳар қандай эксплуатациянинг тугатилишига, социалистик жамиятга ва унинг юқори фасали, синфиз жамият — коммунизмга олиб келиши қонунилар билан муфассал таништириши зарур.

Ўқувчиларда тарихий ривожларни жараёни ва унинг асосий қонуниятларини тўла ўзлаштириш қонуниятларини ҳосил қилиш — жамиятшунослик фани ўқитувчиларининг мўҳим ваифасидир.

Т. ТОШПҲАЛОВ,
Тошкент области халқ маорифи бўлимининг инспектори.



Урта Осиёда энг йирик электростанция ҳисобланган Тошкент ГРЭСида биринчи турбогенератор монтаж ишларидеги тугалланган. Энди барча зенонлар электр нуқвати муваффақият билан қурилади. Суратда: улкан нур чамасида қурилишда зўр жисорат билан меҳнат қилган (чапдан) бетончи А. Аъзамов, пайвандчилар Д. Жоналиев ва С. Тўйчибоев ўртоқлар.



«Узгасстрой» бош механигининг ўринбосари.

Янгиликка яшил йўл!

Ўзбекистон Республикасида қурилиш ташкилотлари қўшма вақт ичиде унча ҳосилданди барока топшиди. Эндиликда бу системани барча қурилишларда кенг жорий этиш мўҳим ваифасидир.

Пойтахт ва область бинокорларининг вакиллари ҳўжалик ҳисобини жорий қилиб, эришаётган йўтқуларини, тажрибадорларни йўтқуларини мақсадида қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари область касабасоюз комитетининг III пленумига тўпаландилар. Вакиллар 3-қурилиш трести бошқармачиси Л. Пакжан ва Тошкент ийлолик комбинати бошлиги С. Амиров ўртоқларини ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаётган йўтқуларининг шубҳасиз ҳўжалик ҳисобини мақсадида қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари область касабасоюз комитетининг III пленумига тўпаландилар. Вакиллар 3-қурилиш трести бошқармачиси Л. Пакжан ва Тошкент ийлолик комбинати бошлиги С. Амиров ўртоқларини ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаётган йўтқуларининг шубҳасиз ҳўжалик ҳисобини мақсадида қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари область касабасоюз комитетининг III пленумига тўпаландилар.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари Тошкент области Касабасоюз Комитетининг III Пленуми

рознерострой» қурилиш-монтаж бошқармаси асосида ташкил топган, — дейди ўртоқ Л. Пакжан. — Шунга қарамай, қисқа муддат ичиде ўзимизни йўтқуларимиз билан мақсадида қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари область касабасоюз комитетининг III пленумига тўпаландилар. Вакиллар 3-қурилиш трести бошқармачиси Л. Пакжан ва Тошкент ийлолик комбинати бошлиги С. Амиров ўртоқларини ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаётган йўтқуларининг шубҳасиз ҳўжалик ҳисобини мақсадида қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари область касабасоюз комитетининг III пленумига тўпаландилар.

Трестда ҳўжалик ҳисоби билан ишлаётган 5 та бригада ташкил этилган. Уларда меҳнат унумдорлиги оддий бригадаларига қиёбатан 15—20 процент ошди, 974-УНРда ҳўжалик ҳисоби асосида меҳнат қилаётган Лисичка ва Португалияда ўртоқлар бошлик бригадалар тежаб қолган қурилиш материаллари ва темир-бетон конструкциялари эвазиде шу йилнинг III кварталда 411 сўм мукофот олинди. Бригада ишчиларининг қўшимча иш ҳақлари 6 етказилди.

Тошкент ийлолик комбинати бинокорлари ҳам янги усул шартоти билан ўтган йил ичиде қурилиш-монтаж ишлари таъинларини 8,8 процент арзонлаштиришлар. Комбинат бўйича 10 та бри-

гада ҳўжалик ҳисобида йўтқулар. Петров ва Овчинников ўртоқлар бошлик комплекс бригада аъзолари қурилиш материалларидан рационал фойдаланишда бошқармачи намуна бўлаётдилар. Бу бригадаларнинг ҳар бири шу қунчага 600 сўмлик маблағни тежаб қолдиришга муваффақ бўлди.

Музокараларда биринчи бўлиб 153-қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг комплекс бригада бошлиги ўртоқ Р. Зияев сўз олади. Бу бригада 3 йилдан бери ҳўжалик ҳисобида меҳнат қилмоқда. Бригада бинокорлари йил бошидан бери 4 та 72 қаватли турар-жой биносини фойдаланишга топшириб, 10 одалик плани 150 процент адо эттишти.

Музокараларда, шунинг эд еқ, Чирчиқдаги 160-қурилиш трести меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиги Тустелев «Алмаликсвенестрой» трести меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиги Малькин ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб ўз корхоналарида меҳнатнинг ҳўжалик ҳисобини қурилишга жорий қилиш билан боғлиқ бўлган йўтқуларини айтишди.

Пленумда қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари республика касабасоюз комитетининг секретари ўртоқ Г. Барковский нўтқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Металлар ўсимликларни қурғоқчиликдан сақлайди

Мамлакатимизнинг жанубий районларида кўпгина ўсимлик ва экинлар қурғоқчилик ҳамда сув етишмаслигидан қуриб қолади. Бу давлатга катта зарар келтиради.

Москвадаги Тимирязев номи ўсимликлар физиологияси илмий-тектириш институти коллективи бу масуулиятли ваифани шараф билан ҳал қилди.

Металларнинг микродозаси билан ишланган ўсимликлар унча кўп сув талаб қилмаслиги, иссиқликка яхши чидаши,

шу билан бир қаторда ўсимликлар ўзлари учун жуда фойдали бўлган аминнок ишлаб чиқаришлари маълум бўлди. Ўтказилган тажрибалар энг қурғоқчилик ва сувсиз районларда ҳосил камиде 25—30 процент ошаганини кўрсатди. Металлар орасида рух энг яхши натижа берди. Урта Осиё шариотида бу янги методдан фойдаланиш катта фойда келтиради.

Қ. АХМЕРОВ,
илженер.

Оҳангарон кўмир разрезидеги ҳар кунини минглаб тонна «нора олтун» камиб чиқарилади. Суратда: разрезда иш лаяти.

В. Салов фотолари.



Оҳангарон кўмир разрезидеги ҳар кунини минглаб тонна «нора олтун» камиб чиқарилади. Суратда: разрезда иш лаяти.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

«ЎГАЙ САҒБОН КЎЧАСИ»

«Сағбон кўчаси Тошкентдаги энг сернатнов нуҳалардан бири бўлишига қарамай, каровисиз ётипти. Тошкент-Келес маршрутда катновчи автобуслар бир-икки расидан кейин, тўғри ремонтга юнатилади. Йўловчилар эса ёзда чанга, қишда лойга ботадилар, дейилган эди Сағбон кўчасида яшовчи меҳнатнашларнинг редакцияга юборган «Ўгай Сағбон кўчаси» сарлаҳали шикоят хатларида.

Редакция меҳнатнашларнинг халқи талабларини амалга оширишнинг илтимос қилиб, Октябрь район илморини комитетига мууроаат қилди. Янгида район илморини комитети раисининг ўринбосари ўртоқ В. Ходиев Сағбон кўчасига асфальт ётиқилиб, тўла ремонт қилинганини маълум қилди.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Шу йил 5 ноябрда Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Суан Туй Хуи-Хитой бўйича 1954 йилги Женева кенгашининг ҳаммасини қўллаб-қувватлаётгани билан мурожаат қилиб, АҚШ ҳукумати Американинг 7-флотини жанговар кемалари билан Жанубий Вьетнам территориясига суварли равишда юборганига қарши норозилик билдирди. Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати ана шу кемаларнинг Жанубий Вьетнамнинг соҳил ёқинидаги суварларидан олиб кетишни, Жанубий Вьетнам халқига қарши агрессия урушини тўхтатишни, Американи қўшнларини олиб чиқиб кетишни ва ҳарбий техникани кўчириб кетишни талаб қилди.

Мазкур телеграмма муносабати билан СССР Ташқи ишлар министри Совет ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Суан Туй Хуи-Хитой бўйича 1954 йилги Женева кенгашига қарши мурожаат қилиб, АҚШ ҳукумати Американинг 7-флотини жанговар кемалари билан Жанубий Вьетнам территориясига суварли равишда юборганига қарши норозилик билдирди.

Касаба соҳа ҳаёти

ЙИҒИЛИШДАН КЕЙИН

Оҳангарондаги 9-шахта касаба соҳа комитети (раиси ўртоқ Н. Ли) КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошира бориб, давлат пландарининг ортинги билан адо этиши, ишлаб чиқариш процессларини тўла автоматлаштириш ва механизациялаштириш, социалистик мусобақани яхши йўлга қўйишда кўзга кўринarli ишлар қилаётди.

Кейинги икки йил ичида эскириб қолган транспорт ленталари янгилади. Илгари забойларда ёғоч тиракчилар қўлланар, бу эса атиги бир марта ишлатилди, кейин фойдасиз бўлиб қоларди. Оқибатда давлатнинг неча-неча юз миңгаб маблағи ортинча сарфланган эди. Ана шуларни ҳисобга олиб, ёғоч тиракчилар ўрнига металл тиракчилар ишлатилди. Бу эса, аввало, меҳнат унумдорлигини оширди ва давлатнинг кўпмаб маблағи итисод қилинди.

Шахта касаба соҳа комитети бутун эътиборини ишлаб чиқариш масалаларига, қўлоқ бригадаларини янги йилор бригадаларга кўтаришга қаратаётди. Масалан, М. Кишиев бошлиқ навалостбойлар бригадаси шу йилнинг 8 ойлик праинини атиги 95,4 процент қилиб бажарди. Шахта комитети ўзининг иш планига шу бригада ҳисобини эътиборини қиритди ва у масала ишлаб чиқариш кенгаши йилигида муҳома қилинди. Йилги шахта бригада аъзолари ўртасида меҳнат иттифоқининг бўшашиб кетгани, иш соатидан яхши фойдаланилмаётгани маълум бўлди.

Бу ишда бепарволик билан қараган бригада бошлиғи ва кон мастерлари қаттиқ огоҳлангилари. Эртаси кундан бошлаб бригада ишида ўзгариш бўлди. Бригада сентябрь ойи топширини мuddатдан 4 кун олдин бажаришга муvаффақ бўлди.

Коммунистик меҳнат қорхонаси деган номи олинган учун курашган 9-шахтадаги А. Мусаконев бошлиқ 1-участка ва 7-бригада коммунистик меҳнат коллективини деган улут номи олинган эриди.

Л. Загорский, Г. Назмурадов, А. Аджимурадов, Б. Алиев, Л. Ду-сон ўртоқлар бошлиқ комму-

нам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Суан Туй Хуи-Хитой бўйича 1954 йилги Женева кенгашига қарши мурожаат қилиб, АҚШ ҳукумати Американинг 7-флотини жанговар кемалари билан Жанубий Вьетнам территориясига суварли равишда юборганига қарши норозилик билдирди.

И. АХМЕДОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири. Оҳангарон шахри.



Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли илгор Оқунбобоев номли молхўжада кузги шугор мадал суръатлар билан олиб боришда. Айнакча бу ишда транторчилардан А. Тожиев, Ю. Холиқов ўртоқлар намуна бўлишди. Улар сменада 7 гектар ўрнига 12 гектарга етказиб шугор қилишди. Суратда: (чапдан ўнгга) А. Тожиев ва Ю. Холиқов ўртоқлар агрегатининг эрини нарча чуқурлида қайтаётганини текшириб кўришда.

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖА

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхозининг ўртоқ Суннат Сиддиқов бошлиқ қилётган паррандачилик фермаси коллективни фидокорона меҳнат тўғрисида аниқ муvаффақиятга эришди. Ферма меҳнатсеварлари шу кунга довуз ўз боқимларидаги паррандалардан жами 80 миң дон тухум олдилар ва бундан ташқари давлатга 6 тонна семиз парранда гўшти сотдилар. Парранда маҳсулотлари топшириш давом этапти.

У. КАРИМОВ.

ШОЛИКОР СОВХОЗЛАР КЎПАЯДИ

Кейинги йилларда шולי майшундай совхозлар ташкил этилади. Бўна районида, Оқинар массиви бор. Шу массивдан 700 гектарлик майдон ажратиб олинди, шוליкор совхоз вужудга келтирилди. Насос станцияси қурилиб сув девори ҳосил қилиш кўзда тутилди, сунгра Сирдарёнинг суви суғориш тармоқларига узатилиб шולי майдонларга тақсимланди.

Бундан ташқари бошқа дон, дуканли, қовун-тарвуз экинларини алмаштириб экин ҳам кўзда тутилди.

«Бўна» шוליкорлик совхозини ташкил этиш лойиҳасини «Узгипросельмехтрос» институтини коллектив тўзиб чиқаяпти. 1964 йилда бу ишни амалга оширишга киришляди.

Я. ТОЛСТОНОВ.

СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ

Кейинги кунларда ишминиз айнакча тезлашиб кетди. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумининг меҳнат габаллари билан нишонлаш учун курашган деҳқонларимиз бир кучларига ўн куч қўйган ҳолда ишляди. Ҳар кунни хирмонга барама кирверди. Натикда бизнинг колхозимиз ҳам маррага етди. 1737 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22,3 центнердан хирмон кўтарди.

Ҳар бир тул гўзада кўпроқ ҳосил бўлиши учун уларни меҳр билан парвардиш қилинди. Айнакча ўртоқ Саодат Гулаҳмедов бошлиқ бригада аъзоларининг иши маътовга сазовордир. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 32,5 центнердан ҳосил топириб ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ортинги билан адо этидилар. Ўртоқ Суян Абдуллаев бошлиқ бўлган бригада аъзоларининг иши ҳам қувончли. Бригада аъзолари 90 гектар ердан мўл ҳосил етиштиришди. Авваллари бу ердан олинган ҳосил 20 центнерга етмас эди. Ҳозир эса ана шу қаргаладан гектар бошга 25 центнердан хирмон кўтарилди. Бу бригадани ҳар бир деҳқон пахта бойлигинини қўлайтириш йўлида тинмай меҳнат қилишларини кўрсатади.

Колхозимизда пахта тайёрлаш планини муvаффақият билан бажарган бундай пешқадим бригадалар жуда кўп. Биз қўлга киритилган дастлабки ютуқлар билан кифойланиб қолмаймиз. Ҳосилнинг бир граммини ҳам нес-нобуд қилмай йигишти-

риб олиш учун ҳаракат қила-йимиз. Кейинги кунларда ишчу кучларини янада қўлайтириб, кўп миқдорда кўрак чувиноқларини, кўрак чувиш машиналарининг неча ва кундуз тўхтовсиз ишларини таъминлаб, давлатга ҳосилнинг ҳаммасини яқин кунлар ичида йигиштириб олиб, давлат оморларига топшири-миз. Ҳар бир бригада ва звенода «оқ олтин»ни нобуд қилмай тезроқ йигиштириб олиш юзасидан социалистик мусобақани кенг қулайтириб юборилган. Колхоз првлексиеси ва партия ташкилоти кўрак қўлишда нормасини ошириб бажарган илгор теримчиларини рағбатлантириб турибди. Ҳеч шубҳа йўқки, биз ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз ва ўз зиммамизга олган мажбуриятини қисқа вақтда бажарамиз.

Ю. ҲОЖИМАТОВ,
Бўқаданги Ҳамза номли колхознинг раиси.
А. ВАЛИЖОНОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

ОЗОДАХОННИНГ ҒАЙРАТИ

«Химик» совхозининг ишчи ва хизматчилари шу кунларда Бекободдаги Ленин номи колхоз пахтакорларига яқиндан ердан бермоқдалар. Совхоз ишчилари қисқа кун ичида колхознинг 16800 килограмм кўргани териб беришди.

Совхоз ишчилари ўртасида, айнакча, оддий ишчи Озодахон Алишбековнинг меҳнати кўзга кўришиб турибди. Бу ишчи колхозга келган кундан бери тинмай меҳнат қилиб, ҳаммадан олдиқа боришти. Дастлабки вақтда у 200 килограммга етказиб кўрқ тараётган бўлса ҳозир ҳам ўз ғайрати билан ҳаммани қўйиб қолдирмоқда.

М. МИРСОАТОВ.

40 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

Бу йил даладаримизда бебаҳо бойлик ҳисобланган «оқ олтин»нинг қиёнони мўл бўлдики, бундай сермахсул йилни пахтачилик тарихи сира билмайди. Серфаёз олтин кўз ҳам пахтакорларимизга хотамтойдлик қилапти. Саҳий кўши ҳам кўзда қарақлаб турипти.

Парторг бизни кўбек тараётган бригадир Юсуф Жўраев билан таништирди.

— Сабавотни қўйиб қилиб, пахтачи ҳам ғриллаб юборган бригадирларимиздан, — деди.

— Йўқ, жуда мақаб юбордимиз, — бригадир, камтарлик билан ерга қаради. Кейин, ўз ишининг чинчам устаси, моҳир пахтакор Юсуф Жўраев бригада аъзоларининг меҳнат зафарлари қақда хўжа қилаётган:



— Биласизми, — деди у қўлидаги бир сиқини кўсакни этасига ташлар экан, — чинг қўйғос униб чиққан кез эди. Ғўзалар эндигина қаддини ростлаганда оғда гўзаларга шикаст етказди. Колхозчиларимиз ўзларини айқатиб қўйишмапти. Дарҳол қўли-қўлга бериб, ҳамжизатлик билан ишга киришиб кетишти. Деярли ҳамма еримизга қайтадан чинг экиб чиқди. Бир ишимиз икки иш бўлди. Аммо бди келмади. Ёзда, жазирани саратонда ҳам колхозчиларимиз оладан бери келишмапти. Натикда пахтакорларимизда мўл ҳосил тўплайолади. Олтин кўз ҳам кирди. Пахтачи биринчи кетин боғор очлаётганда, 9 сентябрь кун пахтачи тилаб теришга киришди. Терим кундан-кунга аж олаборди. Яхши ҳозирлик теримда бизга қўл келди.

Ҳа, чиндан ҳам бригадани суръатга-суръат қўйишлариди. Бутун ишкониётлар теримга жалб қилинди. Бу йилнинг қувончли натижаларини берди. 1 ноябрь кун иллик пахта тайёрлаш пани муvаффақиятли бажарилиди. 50 гектарлик пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Зиммага олган мажбурият ҳам бажарилди. Ҳозирга қадар гектар бошга ҳосилдорлик 38 центнердан ошди. Ҳали далада ҳосил бор. Коллективнинг аҳди мавсум охиригача ҳосилдорликни 40 центнерга етказиши.

Бунга чевар теримчилар катта ҳисса қўйишляпти. Азиза Мамажонова, Рухсат Эрашова, Санобар Йўлбошева ва Раҳим Тилаббодиевлар барча теримчиларга ўрнак бўлишляпти. Уларнинг мавсумида терим жами пахтачи 10 тоннаданга айланди. Ҳозир ҳам кунлик нормаларини ошириб бажаришляпти. Айнакча механизатор Сайфи Маҳкамов ишчи тилга олмай бўлганими! Бу азамат бригаданинг 170 тоннадан ортқ пахтачини қоп-қанорези ташиб берди.

Колхознинг тўртинчи бригадасида ҳам кишилар ғайрат кўрсатиб ишляшляпти. Бригада азаматлари йиллик пахта тайёрлаш планларини 120 процент адо этишти. Ҳозиргача бригадани олинган ҳосил гектарига 40 центнерданга етди. Улар мавсум охиригача ҳосилдорликни 45 центнерданга етказиш учун ҳаракат қилишляпти. Колхознинг Ахрод Содиқов бошлиқ 11- Маҳамат Нортоев бошлиқ 1- ва Яўдоғон Роҳобов бошлиқ 6-бригадалари ҳам тобора 40 центнерлик маррага яқинлашляпти.

Ҳа, колхознинг ана шу азамат кишиларини ифтихор билан кўрқ центнерчилар, деб атамоқ жуда ўринли бўлади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.
Н. ҲИМАТУЛЛАЕВ.

Суратда: шу колхознинг пешқадим бригадари Юсуф Жўраев.

А. Абалов фотоси.

АЙРИЛИШДАГИ УЙ

Всеволод КОЧЕТОВ.

Рожков ҳеч иккиланмасдан қўлоқ билан қоронғи деразани қўқди. Бир вақтлари, фронт йўлларида тунашга муҳтож бўлиб қўлини ганда у худди шундай қиларди. Худди ўша бир вақтлардагидек унга жавобан керосин лампанни сарин нури уйни ёрита бошлади. Оппоқ қирор қоплаган ойнига самоварнинг сояси ёпишти. Дахлиз полни қисирлаб, жинг этин шитирланди, сўнг экин лўқидони шарақлади.

Орадан қанча вақт — йигирма минут ўтдики ёни ярим соатми, — бунинг ҳеч ним ҳисоблаб кўрган йўқ-ку, лекин усти брезентга ўралган машинани ҳовлига киргазиб бўлиб, Рожков ва шофер дастурхонга ўтирганларидан улар рўпарасида алаҳчадон қайнатилган бақалоқ мис самовар ниқирлиб турарди. Бунинг сояси бу нотанин уйда йўловчиларини биринчи бўлиб табриклиди.

(Ҳ И К О Я)

мана шунақа ёғоч уйларида қиш кечаларини ўтказган, фронт тунашга оқ сочи болчалар, худди шунақа жоносарак уй беклари, тунда қай маҳал бўлса ҳам самовар қўйиб юборишга худди шунақа орнинмай тайёр туришлар. Жангчи жангдан сўнг ёни жанг олдидан хордиқ учун бегона қондонга ўзи турган уйдан киниб келаверарди, уйдангилар ҳам уни ўз йўлларида қарши олардилар. Чунки улар ўз фарзандлари ҳам қардашлар шундай оқини чеҳра билан қарши олганини билардилар. Йилларини қувонч йиллар ўтди, энди одамлар бошқа тарафда, бошқа ишлар билан машғул. Ҳозир уларнинг деб ўзини тик қорғани одамларнинг эсимданми? Ва шу ҳақда эзининг ҳолати борми?

— Жуда вақтда турдиларингда, — деди уй бекаси уларга ўғирлибди — Булгачани иссингда еганга нима етсин.

— Ҳали бўлганга деги! — ҳазиллашди Рожков! — Бундай безовтақарчилик учун бизни бўлганга билан эмас, қалтакча билан, сийлаш керак. Ярим кечда уйғотди, дам олмишга ҳам қўймади, бунинг устига ишга ҳам кетолмай тургандирми?

Вақт алла маҳал бўлиб қолганди, гаплагилар ўтиришнинг ўрни эмас, шу бондан тарелкаларга пилалар тўнқарилишни биланчи, яна ҳамма қоронғида ва уйку оғушчи кирди; негн сикамейка устига солинган сомон тўшани қирсилтаётган старшинагина бедор. Кўпни кўрган артиллеристнинг уйкуси келмасди. Унга уйку бермаётган нарса Замоскин билан Ленинграддан олиб келинётган улкан рояль эмас. Йўқ. Шу юқини деб ташбақадан ўрмалаб юришга тўғри келди бўлмас: юриш сал тезлашса борми, яшн ваҳимали дарахларга тушиб, клуб бошлагининг сабар олдидан ўн мартага қайтарган наҳшга, тапирини тақорлаганда бошляди. Клуб бошлагини бу рояль жуда қимматли, у фақат катта концертларга мўлжалланган, тагин йўлда синдириб-етиб қўймагилар, — бундай нодир асбоб-юриқиди қўшқор ай-тишга артиллериячи хаваскор талантлар у ёқда турсин, ҳатто Бар-

совд билан Козловскийлар ҳам жон деб рози бўлишляди, дема мақталаш эди.

Пўқ, Рожковнинг ухлайолмай ётганига сабаб бурон ҳам эмас, бу ташвиш юқини олиб бориш ҳам ҳам эмас.

У командиоровкага жўнаб кетганда деворий газета редукторини ундан байрам оини ўзди албатта мақола ёзиб беришни илгимиз қилган эди. «Шахсини жанговар ҳаётингиздан бирор нарса ёзиб беришгиз, — деганди редактор. — Ахир инкита орден ва олтинта медалини бегорга беришмакун-ку. Эсангиз ёзгудек».

Рожков илтимосни бажаришга ваъда қилганди. Аммо у ҳеч нарча газетага ёзмаган эди, бутун йўл бўйи ўйлаб, бир тўхтамага келолмади. Тун сукунатида ўзи билан ўзи ёлғиз қолган старшинанинг ниҳоятда кўнгли таш бўлди. Хотиралар-ку, тўлиб ётибди, лекин ҳар қалай, нима ҳақда ёзиш керак, ана шуниси мушкул...

— Иш ҳар маҳал топилаверарди, — жавоб берди уй бекаси. — Тунда уйғотган бўлсаларинг нима қилипти! Бундан ортқ безовталикни кўрмаймизми!

У ҳўрсини қўйди-да, паст жапондан бўз сочиқ олиб узатди.

Рожков печка орқасидаги ёғоч бошгага энгашиб сескана-сескана муздак совуқ сувга ювишти. Печка ёни сувовига бома қўйиб ёзилган суларга старшинанинг кўзи тушиб қолди: «Ефрейтор Сидорчук». Тағида эса «29.2.44 й.»

— Бу паникароғушчининг ким ёган оша? — қизибди қолди у. — Туғишларингиздаими ёни бошқарми?

Негн қроватда тинчгина ишляшган ётган болчалар, қадди сал бунлиб, бевақт сочиқ оқариб кетган уй бекаси, қўнқарга сараманги илби қўйилган чўян қозон ва сопол қўвалар, ушланавериб қорда дасталари ялтираб кетган тутича ва таводасталар, ўтинчиларини шок қалоч қадамининг гурс-гурси... Тасовидан йилғиби тунаб қолган жойдаги бу таниш манзарани бир вақтлардаги жанг кунлари, ҳужумларини ёста солди. Эҳ-е, Ляв ёни Осьмини яқиндаги овлоқ ўрмон ишқолларида тулдан ҳам олдин Усть-Ижор, Норжин ёни Понтанда у неча марта лаб худди

Старшина шундай ҳавллар билан редакторга берган ваъдасини нандай бажаришни билолмай ухлай қолди.

Аёлларнинг шивирлаган овози Рожковни уйғотиб юборди.

Старда лампа нечасидангидек сарғайиб ёниб турарди, дераза орқасида ҳали қоп-қоронғи неча, соват бўлса арталлабди еттини кўрсатарди.

— Настя, сен торф ташийишга, — деди уй бекаси, чўян қозонни қизиб печ устига суриб қўйди, экин ёндорига суяниб турган ширмон қўз қизга. Яна ўша Такир далага ташийверасан. Филат билан Аногата ҳам шундай дегин. Йўл-йўлакай рансига айтганим... Ҳа, майли қўлоқ, ўзим айтарман. Биз, Асиянча ва Люба Деева билан бугдой саралашга борамиз...

Това тарақлаб, ёг жияллади, таб бериб пиширилган хамирнинг ёқимли ҳиди қонга тарқала бошлади.

Қиз чиқиб кетди.

Рожков донг қотиб ухлайётган Замоскинни тургани Иккаласи ҳам қийна бошляди.

Уй бекаси сочининг оқларини рўмон билан яратиб печка ялғидиқдан қизарган юзини пешбади билан арди.

— Ҳўш, нима деб тушунтирсанми? Туғишларингизга-ку туғишганимас, локни бегона ҳам эмас. Пўлоқчи, қўйчи, жангчи-да. Ғаларингиз ўқилган. Шу пичани қўйиб берган эди, барама топқур, мана икки йилдан бери иссинда ўғирлибми. Йе, асим қурсин! Ёани дастурхонга болаларим, дастурхонга.

Сингиз пишган кумур-кумур бўлганчани артиллеристлар суйиб ейишди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

